

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 115 (11.176)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

Самарқандда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳамда Республика Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамкорлигида «Фуқаро ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги давлат органларининг масъулияти» мавзусида минтакавий илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган минтакавий семинар солиқ қонунчилигини такомиллаштиришга оид меъёрий ҳужжатларни ўрганиш, солиқ солишдаги янгиликлар ҳамда солиқ солиш тартибини бирхиллаштириш билан боғлиқ масалаларга бағишланди.

Республика Байналмилал маданият маркази ва «Камолот» ЕИХ Марказий кенгаши томонидан «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида «Мақсад бир, гоя бир, Ватан ягона!» мавзусида илмий-амалий семинар уюштирилди.

Фарғона шаҳрида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши аъзолари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти бўлиб ўтди.

Қаршида республика Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлар уюشمаси, БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги вазоратхонаси томонидан оиланинг тиббий маданиятини оширишга бағишланган семинар ташкил этилди. Анжуман давомида журналистлар ўртасида «Оилавий таълим-тарбия дастури доирасида матбуот, телевидение, радио соҳасидаги ҳудудий мукофот» тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Ўрганч шаҳридаги Аёллар маркази ташаббуси билан ёшлар ўртасида ОИТС ва гивандликнинг олдини олиш мақсадида янги лойиҳа ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа бир йилга мўлжалланган бўлиб, шу вақт мобайнида шаҳардаги кам таъминланган оилалар фарзандлари бепул хунар ўрганишга жалб этилади.

Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ZIYO.NET Жамоат таълим ахборот тармоғи ва унинг Ўзбекистон Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳузуридаги бўлимлари томонидан «Сайёра» Интернет марфаони ташкил этилди.

Хоразм Маъмур академиясида «Болалар саломатлигига эътибор—асосий вазифамиз» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган тиббий ходимлари, мутахассислар иштирок этди.

Сурхондарё вилоятидаги «Сариосиё темир-бетон» масъулияти чекланган жамиятида гулла девор плиткалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

ЖАҲОНДА

Сурия Президенти Б.Асад 30 йилдан буйинк бор расмий ташриф билан Ҳиндистонга келмоқда.

Остонада Россия—Қозғистон бизнес-форуми бошланди.

Косовонинг янги конституциясини ўлка таркибиде озчилики ташкил этувчи серблар тан олмади. Шу йилнинг 17 февралда Сербиядан ажралиб бир томонлама мустақиллик эълон қилган Косово шимолидаги сербларнинг Митровица шаҳри аҳолиси шундай қарорга келди. Сербия ҳукуматининг Косово масалалари бўйича вазир Слובодан Самардҗет ўлка серблари ўзларининг парламентларини тузишини маълум қилган.

Хитой ҳукумати яқинда кучли зилзила юз берган Сичуан музофотидаги 70 мингга яқин аҳолини бошқа жойга қўчиришга қарор қилди. Ҳозирда фуқаролар тўхтовсиз ёғаётган ёмғир ва сув тошқинидан зарар кўрмоқда. Бинобарин, табиий офатдан 55 киши ҳалок бўлган.

Канада терроризмга қарши кураш кампанияси доирасида «Бутунжаҳон тамил ҳаракати» ни таққилади.

Истамбул шаҳридаги кафелардан бирида кучли портлаш юз берди. Портлаш оқибатида 5 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Маълумотларга кўра кафега портловчи мослама ўрнатиб кетилган бўлиши мумкинлиги айтилмоқда.

АҚШ Боливия пойтахтида зўравонликнинг кучайиши муносабати билан маслаҳатлашиш мақсадида ушбу мамлакатдаги ўз элчисини чақириб олди.

Россиянинг Пенза шаҳри атрофидаги Ленидовка қишлоғида кимёвий қуроолларни йўқ қилувчи заводнинг биринчи босқичи иш бошлади.

Лондонда жаҳоннинг қайноқ нуқталарида ҳалок бўлган журналистларга ёдгорлик ўрнатилди. Унинг очилиш маросимида БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун қатнашди.

Австрияда баландлиги 221 метрни ташкил этувчи дунёдаги энг катта пицца тайёрланди ва ушбу натижа Гиннеснинг рекордлар китобида қайд этилди.

Коинотда икки ҳафта давомида парвоз қилиб астронавтилари уч бор очик космосга чиққан «Дискавери» шаттли Канаверал бўғозига қўнди.

Япониянинг «Сеперах» компанияси Осака шаҳрида сув билан юрадиган махсус машина тақдимотини ўтказди. «Reuters» ахборот агентлиги хабарида айтилишича, мазкур автоуол соатиға 80 километр тезликда ҳаракат қила олиши мумкин. Қулай томони, ёниги сифатида ёмғир, дарё ёки денгиз сувидан бемаъл фойдаланиш мумкин.

Ватанимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан БУЮК ЎЗГАРИШЛАР САРЧАШМАСИ

МУСТАҚИЛЛИК — БИЗНИНГ БОРЛИГИМИЗ, ШОНУ ШУҲРАТИМИЗ, ЭРКИН ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАГИМИЗ ГАРОВИДИР

Барчамиз учун энг улуг ва энг азиз байрам — Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик айёми тобора яқинлашмоқда. Мана шу шуққули дамларда ҳар биримиз истиқлол байрамининг буюк моҳияти ва аҳамиятини, мустақиллик аталмиш улуг нёъматининг саховатли заминимизда яшайдиган жамики ватандошимиз ҳаётида тугган ўрнини, ўтган аср сўнггида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда, онгу тафаккуримизда оламшумул ўзгаришлар сарчашмаси бўлганини янада теран англаймиз.

Куни кеча Президентимиз Ислам Каримов Ватанимиз ва халқимиз ҳаётидаги буюк сана — истиқлол байрамининг 17 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қарор қабул қилди. Унда жойларда, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари, маҳаллаларда «Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир» деган эзгу гоани ифода этадиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш белгиланган.

Мустақиллик туфайли биз ўзлимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўйибастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намён қила олдик.

Мустақиллик туфайли бизни жаҳон танимоқда, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шжоати боис Ўзбекистонимизнинг шон-шуҳрати олам узра ёйилмоқда.

Мустақиллик берган бекиёш имкониятлар туфайли эртанги кунимиз — эркин ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

Дарҳақиқат, йўлбошчимиз Ислам Каримов тарихий сана — 1991 йил 1 сентябрни Ватанимиз мустақиллиги кўни, деб эълон қилганидан кейин Ўзбекистон дунёга, дунё эса Ўзбекистонга юз очди. Жаҳон жамоатчилиги Марказий Осиё минтақасида улуг аждодлари башарият цивилизацияси, илм-фани ва маданияти ривожига бекиёш ҳисса қўшган, бой тарих ва маданий меросга, улкан иқтисодий ва маънавий салоҳиятга эга бўлган мамлакат ва халқ борлигидан, янги мустақил давлат пайдо бўлганидан хабар топди.

Ҳали-ҳануз эсимда. Биз, бир гуруҳ журналистлар мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида дунёнинг етакчи мамлакатларидан бири — Америка Қўшма Штатлариға сафар қилган эдик. Ушанда турфа касб ва дунёқарашга эга, турли соҳаларда фаолият кўрсатадиган америкаликлар билан кўп учрашув ва суҳбатларда бўлдик. Табиийки, улар танишиш асосида бизнинг қайси мамлакатдан келганимизни сўрашар эди. Айтсак, бу қандай мамлакат экан, дея ўйлашни қолишарди. Тарихий шаҳарларимиз — Самарқанд ва Бухоро, пойтахтимиз Тошкент номлари тилга олинганидан сўнггина, ҳа, бошида шунга айтмайсизларми, деб жилмайиб қўйишарди. Уларга табиий захираларимиз, хусусан, Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича жаҳонда бешинчи, олтин қазиб олиш бўйича еттинчи-саккизинчи, унинг захиралари бўйича бешинчи ўринда туриши, иқтисодий мустақилликка эришиш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида сўзлаб берганимизда, улар жаннатмонанд юртимизни кашф этгандек бўлишар. «Қаранг, билмас эканмиз-а!» дея хижолат тортишар эди. Хорижий мамлакатлар билан савдо айланмасида ижобий қолдиққа эғалигимизни, бир цент ҳам ташки қаримиз йўқлигини эшитиб, хайратга тушишарди.

Бу гапларга ўн беш йиллар бўлди. Шу ўтган вақт мобайнида юртимизда амалга оширилган тўб ўзгаришларини, ўзлигимизни англаш, тарихий қадриятларимизни тиклаш, миллий иқтисодий-иқтисодий шакллантириш, ҳавфсизлигимизни таъминлаш борасида қилинган саъй-ҳаракатларни, пойтахтимиз Тошкент ва мамлакатимизнинг барча ҳудудлариға амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини санаб ўтишининг ўзиек анча вақтни олади. Ана шу эзгу интилишларнинг самараси ўлароқ, шунга тўла фахр ва ифтихор билан айта оламизки, бугун Ўзбекистонни бутун дунё таниди!

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ Янгиликлар, воқеалар

БУГУНГИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ҲАР БИР ҚОРХОНА ФАОЛИЯТИ МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА ИНТИЛАР ЭКАН, ЭНГ АВВАЛО ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН МАҲСУЛОТИ СИФАТИГА ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТАДИ.

Тадбиркорлик БУЮРТМАЧИЛАР САҒФИ КЕНГАЙМОҚДА



Пойтахтимизда 2007 йилдан фаолият кўрсатган «DURDONA GUL» хусусий қорхонаси жамоасининг маҳорати билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бозор талабларига жавоб бериб, харидорини тизмоқда. Давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини, ишбилармонлик раванга йўлида яратилаётган катта имкониятлардан самарали фойдаланиш асосида иш кўрсатган мазкур хусусий қорхонанинг 30 нафардан ортиқ малакали, қўли гул бичкичи, тикувчилари махсус иш кийимлари тикиб, буюртмачилари сафини кенгайтириб боришмоқда. Ҳозирда улар ҳар ойда 20 мингтача турли соҳа вакиллариға мавсумий иш кийимларини сифатли тикишмоқда.

Ҳар бир ишни пухта режа, аниқ мақсад асосида бошласангиз, кўзланган мақсадга эришасиз, — дейди қорхона раҳбари Аълохон Ражаббекова. — Аввало фаолиятимиз барқарорлигини, маҳсулотларимиз сифатини таъминлаш-

да юксак унумли хорижий замонавий тикув машиналари, дастгоҳ ва ускуналари экологик тоза, иқлим шароитимизга мос матоларнинг ўрни катта (бунда мижознинг хоҳиш-истаги инобатга олинади). Ривожланишимизнинг энг муҳим омилли эса ҳукуматимиз ва Президентимизнинг тадбиркорликка қаратаётган жуда катта эътиборларидир. Яъни тадбиркорликка оид Фармон ва қарорлар, уларда кўзда тутилган афзаллик ва қулайликлар, ҳуқуқий ҳимоя, солиқ борасидаги имтиёзлар ўз мақсади йўлида интилаётган тадбиркорға ҳақиқий маддад ҳисобланади.

Эътиборли томони, ушбу қорхона «Ўзгариш» маҳалласида жойлашгани боис, бу ерда истиқомат қилувчи хотин-қизлар иш билан таъминланди, келажакда ҳам изланиш, аниқ режалар асосида қўллаб уй бекалари учун қорхона тадбиркорларининг саъй-ҳаракатлари билан касаначилик асосида янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Чеварлар қўллари билан бугунги кунда «Шўртанга» кимё мажмуаси, «Самкочавто», «ЎзгазОйл», «Дориомон Мунира Файз» сингари қорхона, ташкилотларнинг буюртмалари ўз муддатларида сифатли бажаришмоқда. Бунда жамоа аҳлиға унумли меҳнат, яхши ҳордиқ учун етарли шарт-шароитлар яратилган, асосийси, ишчи-хизматчилар меҳнатига яраша маош олишмоқда.

Айни пайтда хусусий қорхона тадбиркорлари изланишда. Улар режадаги ишларни амалга ошириш мақсадида имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда янги ҳамкорлар топиб, мавсумий иш кийимларининг янада замонавий, қулай дизайнини устида ишлашмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: «DURDONA GUL» хусусий қорхонаси иш фаолиятиндан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиқов олган суратлар

Қисқа сатрларда

КЕЧА Гематология ва қон куйиш институтида генетика муаммолари ва истиқболларига бағишланган уюштирилган семинарда россиялик мутахассислар ҳам иштирок эттишди.

ФУҚАРОЛИК жамиятини ўрганиш институтида инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш-

лар, ҳуқуқшунослар, солиқ идоралари вакиллари иштирок этишди.

ҲАМЗА туманидаги Шароф Рашидов номи маҳалла спорт майдончасида БУГУН 12-16 ёшли ўсмир болалар ўртасида У-шун спорт тури бўйича туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан ўтказилган мусобақалар Ёшлар йилиға бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

БУГУН Миробод туманидаги 154-мактаб қошида ташкил этилган «Орзу» болалар оромгоҳида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда Ғафур Ғуллом номи маданият уйи ҳамкорликларида «Ёш-ўтмоқда сози» мавзусида ўтказилган тадбир ва концерт дастурида тарбиячилар, тарбияланувчилар иштирок эттишди.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ — ЛОНДОНДАГИ ДАВРА СУҲБАТИНИНГ БОШ МАВЗУСИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЛОНДОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА «МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАВФСИЗЛИГИ ВА АФГОНИСТОНДАГИ БАРҚАРОРЛИК ОМИЛЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА БУЮК БРИТАНИЯ РАСМИЙ ВА ЭКСПЕРТ ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, УШБУ МАМЛАКАТНИНГ КЎЗГА КЎРИНГАН ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ, ШУНИНГДЕК ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

сидаги сиёсий-дипломатик ташаббуслари жуда ўринли ва аниқ мақсадга йўналтирилганини қайд этди. Британиялик тадқиқотчиларнинг айтишича, Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги тақлифлари Буюк Британияда катта қизиқиш уйғотди. Бунга Тошкент конференциясида ушбу мамлакатнинг олим ва экспертлари фаол иштирок этгани ҳам бу фикрнинг яққол далили бўла олади.

Тошкент конференцияси хусусида гапириб, Ш.Акинер анжуман турли томонларнинг Афғонистон муаммоси борасидаги нуктаи назарларини яхшироқ тушуниш ҳамда минтакавий ҳавфсизлик масалаларидаги ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш ишиға салмоқли ҳисса қўшганини таъкидлади.

роқчиларнинг профессионал даражаси ва фаоллиги, шунингдек, уларнинг асарияти ўз мамлакатларидаги йирик сиёсий экспертлар бўлиш билан бир қаторда сиёсий доираларда катта нуфузга эга экани конференциянинг ўзига хос жиҳатларидан бўлди, — дейди Ш.Акинер. — Халқаро ҳамжамият Ўзбекистон ташаббусларининг аҳамиятини тўғри баҳолаши ва уларнинг ҳаётга тадбиқ этилишида айнан Ўзбекистоннинг ўзи етакчи ўринлардан бирини эғаллаши даркор.

«Жеймстаун жамғармаси» эксперти Р.Мақдермотнинг фикрича, Афғонистондаги вазият инобатга олинмаган бўлса, НАТО, аввало, минтақада стратегик аҳамият касб этувчи Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратиши лозим. «Бунда, албатта, Марказий Осиё давлатлари манфаатлари ҳисобга олиниши даркор», — дея таъ-

кидлади олим.

Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон Буюк Британия кенгаши ҳамраиси Х.Бутнинг фикрича, иқтисодий беқарорлик ва наркотик моддалар тарқалиши Афғонистонда ҳавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солаётган асосий омиллардир.

«Шу маънода мазкур муаммолар Тошкент конференцияси иштирокчилари диққат марказида бўлгани эътиборга молик», — деди Х.Бут. Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш учун халқаро ҳамжамиятининг ушбу мамлакатда доир стратегиясини янгилаш ва бунда ижтимоий-иқтисодий тарққиёт масалалариға алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисидаги фикри давра суҳбати иштирокчилари тўла қўллаб-қувватлади.

«Жаҳон» АА. Лондон.



## ЯНГИ НОМЛАР

Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан пойтахтдаги қуйидаги топонимик объектлар номи тартибга келтирилди:

Кўча(жой)нинг аввалги номи	Янги номи	Изоҳ
<b>Миробод тумани</b>		
Кўҳон йўли Маҳкам Мерганов номидаги маҳалла	Истиқбол «Янгизамон» маҳалласи	Рамзий маъно. (Кўчанинг бир томони Ҳамза туманига қарашли) Янгизамон кўчаси номи билан уйғунлаштирилди
<b>Мирзо Улуғбек тумани</b>		
Паҳлавон Маҳмуд Собир Азизов	Тараққиёт Темур Малик 1-тор кўчаси	Рамзий маъно. (Кўчанинг бир томони Ҳамза туманига қарашли) Аввалги номи тикланди. («Яланғоч» маҳалласи)
Малик Ҳакимов	Оққўрғон 4-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди («Оққўрғон» маҳалласи)
Ҳабиба Умарова	Оққўрғон 5-тор кўчаси	// - // - //
Нишон Раҳимов	Оққўрғон 6-тор кўчаси	// - // - //
Дўст Устабоев	Шўртена	Кўча йўналишидаги жойнинг тарихий номи. («Ноҳирабегим» ва «Яланғоч» маҳаллалари)
Дўст Устабоев 1-тор кўчаси	Шўртена 1-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди
Шўртена	Шўртена 2-тор кўчаси	Жойнинг тарихий номи кичик кўчада бўлгани инobatта олинди
Варшам Еремьян	Шўртена 3-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди
Дўст Устабоев 1-берк кўчаси	Шўртена 1-берк кўчаси	// - // - //
Дўст Устабоев 2-берк кўчаси	Шўртена 2-берк кўчаси	// - // - //
Шўртена 1-берк кўчаси	Шўртена 3-берк кўчаси	// - // - //
Шўртена 3-берк кўчаси	Шўртена 4-берк кўчаси	// - // - //
Холида Саматова	Нийёбек йўли 6-тор кўчаси	Туташ асосий кўча номи билан уйғунлаштирилди. (Кўчанинг чап томони Юнусобод туманига қарашли. Амир Темур номидаги маҳалла)
Акмаи Икромов	Нийёбек йўли 7-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди. (Амир Темур номидаги маҳалла)
Мухтор Ҳошимов	Бўзбозор Салорбўйи 1-берк кўчаси	Жойнинг тарихий номи қайтарилди («Бўз» маҳалласи)
«Дархон-3» маҳалласидаги номсиз янги берк кўча	Салорбўйи 1-берк кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди
«Дархон-3» маҳалласидаги номсиз янги берк кўча	Салорбўйи 2-берк кўчаси	// - // - //
<b>Собир Раҳимов тумани</b>		
Абдували Абдуқадимов номидаги маҳалла	«Чилтўғон» маҳалласи	Жойнинг тарихий номи қайтарилди
Сайёра Маҳмудова	Чилтўғон	Жойнинг тарихий номини қайтарилди
Мавлон Абдуллаев	Чилтўғон 1-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди
Мавлон Абдуллаев тор кўчаси	Чилтўғон 2-тор кўчаси	// - // - //
Матқарим Матқонов	Чилтўғон 3-тор кўчаси	// - // - //
Белорещк	Чилтўғон 4-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди. («Мискин» маҳалласи)
Турсун Собиров	Мевазор 1-тор кўчаси	Кўчанинг олдинги номини тиклаш мақсалида. «Хончорбор» маҳалласи
Комилжон Ғофуров	Келес йўли	Келеса борадиган йўл бўлгани инobatта олинди. («Пахта», К.Ғофуров номидаги маҳаллалар)
Комилжон Ғофуров 1-тор кўчаси	Келес йўли 1-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди. (К. Ғофуров номидаги маҳалла)
Комилжон Ғофуров 2-тор кўчаси	Келес йўли 2-тор кўчаси	// - // - //
Комилжон Ғофуров 3-тор кўчаси	Келес йўли 3-тор кўчаси	// - // - //
Мелибой Каримов	Келес йўли 4-тор кўчаси	// - // - //
Мевазор тор кўчаси	Келес йўли 5-тор кўчаси	// - // - //
Комилжон Ғофуров 1-берк кўчаси	Келес йўли 1-берк кўчаси	// - // - //
Аъзам Иброҳимов	Чияғой Оқтепа 1-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди («Чияғой Оқтепа» маҳалласи)
Аъзам Иброҳимов 1-тор кўчаси	Чияғой Оқтепа 2-тор кўчаси	// - // - //
Абдуқадҳор Каримов	Чияғой Оқтепа 3-тор кўчаси	// - // - //
Аъзам Иброҳимов берк кўчаси	Чияғой Оқтепа берк кўчаси	// - // - //
Сирожидин Зиёмов ва Амин Нийёзов	Қорақамш	Жойнинг тарихий номи. Туташ кўчалар яхлитлиги таъминланди
Эҳсон Низомов	Мойариқ	Жойнинг тарихий номи. («Нихол» ва «Мойариқ» маҳаллалари)
Абдурахим Абдурахмонов	Мойариқ 1-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди. («Мойариқ» маҳалласи)
Йўлдош Бозорбоев	Мойариқ 2-тор кўчаси	// - // - //
Назар Душабоев	Мойариқ 3-тор кўчаси	// - // - //
Парпи Турсунбоев	Чуқурсой 2-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди. («Гулзор» маҳалласи)
Парпи Турсунбоев 1-тор кўчаси	Чуқурсой 3-тор кўчаси	// - // - //
Парпи Турсунбоев 2-тор кўчаси	Чуқурсой 4-тор кўчаси	// - // - //

Парпи Турсунбоев 3-тор кўчаси	Чуқурсой 5-тор кўчаси	// - // - //
<b>Учтепа тумани</b>		
Илёсов	Лолазор	Тарихий номи қайтарилди. («Богичинор» маҳалласи)
Назир Турақулов	Лолазор 1-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди («Богичинор» маҳалласи)
Назир Турақулов 1-тор кўчаси	Лолазор 2-тор кўчаси	// - // - //
Назир Турақулов 2-тор кўчаси	Лолазор 3-тор кўчаси	// - // - //
Назир Турақулов 3-тор кўчаси	Лолазор 4-тор кўчаси	// - // - //
Илёсов 1-тор кўчаси	Лолазор 5-тор кўчаси	// - // - //
Илёсов 2-тор кўчаси	Лолазор 6-тор кўчаси	// - // - //
Илёсов 3-тор кўчаси	Лолазор 7-тор кўчаси	// - // - //
Низомиддин Хўжаев	Янги Лабзак	Шу ҳудудда асосан «Лабзак» маҳалласидан кўчиб келган аҳоли истиқомат қиляётгани инobatта олинди. («Зулфизар» маҳалласи)
Низомиддин Хўжаев 1-тор кўчаси	Янги Лабзак 1-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди («Зулфизар» маҳалласи)
Низомиддин Хўжаев 2-тор кўчаси	Янги Лабзак 2-тор кўчаси	// - // - //
Низомиддин Хўжаев 3-тор кўчаси	Янги Лабзак 3-тор кўчаси	// - // - //
Низомиддин Хўжаев 4-тор кўчаси	Янги Лабзак 4-тор кўчаси	// - // - //
Зокир Маъруфов	Укқона	Шаҳар марказидаги қадимги жой ва булоқ номи. («Ибрат» ва «Жарбулоқ» маҳалласи)
Зокир Маъруфов 1-тор кўчаси	Укқона 1-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди.
Зокир Маъруфов 2-тор кўчаси	Укқона 2-тор кўчаси	// - // - //
Зокир Маъруфов 3-тор кўчаси	Укқона 3-тор кўчаси	// - // - //
Зокир Маъруфов 4-тор кўчаси	Укқона 4-тор кўчаси	// - // - //
Зокир Маъруфов 5-тор кўчаси	Укқона 5-тор кўчаси	// - // - //
<b>Шайхонтоҳур тумани</b>		
Ғофур Раҳимов	Қамолон 1-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди. («Янгиобод» маҳалласи)
Ғофур Раҳимов берк кўчаси	Қамолон 2-берк кўчаси	// - // - //
Абдуҷалил Маликов	Бог 1-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи уйғунлаштирилди. («Илғор» маҳалласи)
Абдуҷалил Маликов тор кўчаси	Бог 2-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди. («Илғор» маҳалласи)
Зухур Қобулов	Тахтапул	Жойнинг тарихий номи («Тахтапул» маҳалласи)
Зухур Қобулов 1-тор кўчаси	Тахтапул 2-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди. («Тахтапул» маҳалласи)
Зухур Қобулов 2-тор кўчаси	Тахтапул 3-тор кўчаси	// - // - //
Тахтапул (кичик кўча)	Тахтапул 4-тор кўчаси	// - // - //
<b>Ҳамза тумани</b>		
Паҳлавон Маҳмуд	Тараққиёт	Рамзий маъно. (Кўчанинг бир томони Мирзо Улуғбек туманига қарашли)
Кўҳон йўли	Истиқбол	Рамзий маъно. (Кўчанинг бир томони Миробод туманига қарашли)
Усмон Юсупов номидаги маҳалла	«Тўйена» маҳалласи	Тарихий номдаги кўча билан уйғунлаштирилди.
Зебо Шамсуддинова номидаги маҳалла	«Иқбол» маҳалласи	Рамзий маъно
Тухтаназар Шермуҳамедов	Ховос 2-тор кўчаси	Аввалги номи тикланди. (Аҳмад Яссавий номидаги маҳалла)
Кузнечий	Темирчи	Шаҳарга оид тарихий жой номи инobatта олинди
<b>Чилонзор тумани</b>		
Фаҳмиддин Хўжаев	Қатта Қозиробод	Маҳалланинг асосий кўчаси жойнинг тарихий номи билан уйғунлаштирилди. («Қатта Қозиробод» маҳалласи)
Фаҳмиддин Хўжаев 1-тор кўчаси	Қатта Қозиробод 1-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди. («Қатта Қозиробод» маҳалласи)
Фаҳмиддин Хўжаев 2-тор кўчаси	Қатта Қозиробод 2-тор кўчаси	// - // - //
Қатта Қозиробод	Қатта Қозиробод 3-тор кўчаси	Жойнинг тарихий номи кичик кўчага тушиб қолгани инobatта олинди. («Қатта Қозиробод» маҳалласи)
Қўчқор Исҳоқов	Дўмбиробод 4-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди. («Қатта Дўмбиробод» маҳалласи)
Қўчқор Исҳоқов 1-тор кўчаси	Дўмбиробод 5-тор кўчаси	// - // - //
Тоир Дадлашев	Чилонзор 3-тор кўчаси	Кўчанинг аввалги номи қайтарилди. («Чилонзор» маҳалласи)
<b>Юнусобод тумани</b>		
Виктор Малиясов	Нийёбек йўли 3-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди.
Малик Қаҳҳоров	Нийёбек йўли 4-тор кўчаси	// - // - //
Мурот Шералиев	Нийёбек йўли 5-тор кўчаси	// - // - //
Холида Саматова	Нийёбек йўли 6-тор кўчаси	Туташ асосий кўча номи билан уйғунлаштирилди. (Кўчанинг ўнг томони Мирзо Улуғбек туманига қарашли. «Турон» маҳалласи)
Ғани Мавлонов кўчаси	Бодомзор йўли	Шу номдаги тарихий жойга борадиган кўча бўлгани инobatта олинди.
Қодир Маҳсумов (такрор ном)	Бодомзор йўли 1-тор кўчаси	Асосий Қ.Маҳсумов кўчасига боғлиқ бўлмагани инobatта олинди. (Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла)
Беруний номидаги маҳалла ҳудудидаги номсиз янги кўча	Ҳамкоробод	Рамзий маъно
Беруний номидаги маҳалла ҳудудидаги номсиз янги кўча	Ҳамкоробод 1-тор кўчаси	Туташ кўчалар номи соддалаштирилди.
Беруний номидаги маҳалла ҳудудидаги номсиз янги кўча	Ҳамкоробод 2-тор кўчаси	// - // - //
Беруний номидаги маҳалла ҳудудидаги номсиз янги кўча	Ҳамкоробод 3-тор кўчаси	// - // - //
Беруний номидаги маҳалла ҳудудидаги номсиз янги кўча	Ҳамкоробод 4-тор кўчаси	// - // - //
Беруний номидаги маҳалла ҳудудидаги номсиз янги кўча	Ҳамкоробод 5-тор кўчаси	// - // - //

